

СПОРТ РЕПОРТАЖЛАРИДА ЖУРНАЛИСТНИНГ ИНДИВИДУАЛ УСЛУБИ

Юсуфбек Сайдалиев Ахлиддин ўғли

*Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети,
2-курс спорт журналистикаси магистранти*

Илмий раҳбар: М.Тўхтамирзаев

Аннотация: *Мазкур мақолада спорт репортажларида журналистнинг индивидуал услуги, унинг воқеани ёритишдаги ўзига хос ёндашуви ва тил воситаларидан фойдаланиш маҳорати таҳлил қилинган. Шунингдек, индивидуал услубнинг репортаж таъсирчанлиги ва қизиқарлилигини таъминлашдаги аҳамияти илмий жиҳатдан асослаб берилган.*

Калит сўзлар: *спорт, репортаж, журналистика, тил, услуб, иборалар, интернет, телевидение, платформа, медиа матн, аудитория, таъсирчанлик.*

Спорт журналистикасида репортаж жанри нафақат ахборот етказиш, балки воқеани эмоционал ва образли тарзда қайта яратиш имконияти билан ҳам ажралиб туради. Шу жиҳатдан журналистнинг индивидуал услуги таъсирчанликни таъминлашда ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Индивидуал услуб журналистнинг тил воситаларидан тўғри фойдаланиши, воқеани баён этиш усули ва эмоционал-экспрессив жумлаларни ўз вақтида қўллаш олишида намоён бўлади .

Спорт репортажларида индивидуал услуб, аввало, воқеани тасвирлашдаги динамика ва субъективлик даражаси орқали намоён бўлади. Масалан, “BBC Sport” репортажларида журналистлар кўпинча нейтрал услубни танлайдилар: “A dramatic late goal secured the victory...” (сўнгги дақиқаларда киритилган гол ғалабани таъминлади) каби анъанавий жумлалар орқали воқеа холисона, ортиқча ҳиссиётларсиз баён қилинади. Бу ерда индивидуал услуб объективлик устига қурилган, лексикада эса умумий спорт терминологияси устун.

Бошқа томондан, “Eurosport” каби телеканалларда репортаж услуги анча экспрессив характерга эга. Масалан, футбол учрашувидан репортажда: “What a stunning strike! Absolutely unbelievable!” (Қандай ажойиб ҳужум! Ақл бовар қилмайди!) каби иборалар қўлланилиб, журналистнинг шахсий муносабати ва ҳис-туйғулари очиқ намоён бўлади. Бу ерда индивидуал услуб эмоционал-экспрессив лексика, қисқа ва таъсирчан синтактик қурилмалар орқали ифодаланган.

Журналистнинг индивидуал услуги унинг метафора ва образли ифодалардан фойдаланишида ҳам кўринади. Масалан, ESPN репортажларида кўпинча спорт воқеалари бадий образлар орқали тасвирланади: “He danced

past defenders” (У ҳимоячиларни рақс тушганча, гўёки кулиб алдаб ўтиб кетди) ёки “The defense collapsed like a house of cards” (Ҳимоя қўрғони “домино” карталаридек қулаб тушди). Бу каби метафоралар ўйин жараёнини жонлантириб, томошабинда визуал тасаввур ҳосил қилади ва муаллиф услубининг асосий белгиларидан биридир.

Шунингдек, синтактик қурилмалар ҳам индивидуал услубни белгилашда муҳим роль ўйнайди. Айрим журналистлар қисқа ва тезкор жумлалардан фойдаланиш орқали динамикани кучайтиради. Масалан, жонли эфирдаги репортажларда: “Pass. Shot. Goal!” (Узатма, зарба ва гол) каби гап қурилмалари учрайди. Бундай услуб айниқса, телевидение ва радиода кенг қўлланилади. “Sky Sports” эфирларида бу усул жуда кенг тарқалган бўлиб, воқеанинг тезкорлиги ифодаланади.

Индивидуал услубнинг яна бир муҳим жиҳати терминология ва оммавий тил элементларининг уйғунлигидир. Масалан, футбол репортажларида “counterattack” (қарши ҳужум), “offside” (офсайд), “penalty” (пенальти) каби аниқ терминлар билан бирга, “brilliant move” (ажойиб дриблинг), “nervy finish” (асабий якун) каби вазиятни баҳоловчи иборалар ҳам қўлланилади. Бу журналистнинг услубий маҳоратин намоён қилади. “The Guardian” спорт саҳифаларида бу ҳолат аниқ кўринади: терминлар орқали вазиятни аниқлаштириш таъминланса, лексик воситалар орқали эмоционал таъсир кучайтирилади. Бу каби мисолларни ўзбек ОАВдан ҳам топиш қийин эмас.

Спорт репортажларида журналистнинг индивидуал услубини чуқурроқ англаш учун унинг асл мақсадига эътибор қаратиш муҳим. Масалан, “Al Jazeera English” глобал сайтидаги спорт репортажларида кўпинча ижтимоий ва сиёсий контекстга урғу берилади. Футбол бўйича халқаро мусобақаларни ёритишда “This victory carries national significance...” (Ушбу ғалаба миллий бирдамликни таъминлади) каби иборалар орқали воқеа кенгроқ маънода талқин қилинади. Бу ерда журналистнинг индивидуал услуби фақат ўйин жараёнини эмас, балки унинг ортидаги ижтимоий маънони ҳам ёритишга қаратилгани билан намоён бўлади. Илмий нуқтаи назардан бу ҳолат “контекстуализация” деб аталади .

Индивидуал услубнинг яна бир муҳим кўриниши репортаждаги “муаллиф овозидир” (authorial voice). Бу тушунча журналистнинг матнда қанчалик даражада иштирок этиши, ўз муносабатини қай даражада билдириши билан боғлиқ. Масалан, “Fox Sports” репортажларида журналист кўпинча субъектив баҳо беради: “That was a terrible mistake by the defender!” (Бу ҳимоячиларнинг қўпол хатоси эди). Бу каби ифодалар орқали муаллифнинг позицияси очиқ кўринади. Аксинча, “Reuters” спорт хабарларида услуб анча холис намоён бўлади: “The defender failed to clear the ball, resulting in a goal” (Ҳимоячи тўпни тепиб юборишда хатога йўл қўйди ва бу голга олиб келди). Бу ерда индивидуал

услуг нейтралликка асосланган бўлиб, ахборотнинг ишончилигига урғу берилади.

Журналистнинг индивидуал услуги унинг аудитория билан мулоқот шаклида ҳам намоён бўлади. Айниқса, жонли эфирларда журналист кўпинча аудиторияга бевосита мурожаат қилади: “Can you believe this moment?” (Сиз ҳам бу лаҳзаларни кўряпсизми?!) ёки “Ladies and gentlemen, what a game we are witnessing!” (Хонимлар ва жаноблар, қандай учрашувга гувоҳ бўлмоқдамиз?!) каби жумлалар орқали томошабин билан ҳиссий алоқа ўрнатади. “Sky Sports” эфирларида бу услуб жуда кенг тарқалган бўлиб, у интерактивликни оширади. Бу ҳолатни илмий жиҳатдан “умумий аудиторияга йўналтирилганлик” тушунчаси билан изоҳлаш мумкин .

Спорт репортажларида индивидуал услубнинг яна бир муҳим компоненти вақт ва маконни тасвирлаш усулидир. Айрим журналистлар воқеани “ҳозир ва шу ерда” принципи асосида баён қиладилар. Масалан, жонли репортажда ҳозирги замон шакллари қўлланилади. Бу услуб воқеанинг жонлилигини оширади. ESPN репортажларида ҳам бу усул кенг қўлланилиб, у аудиторияга нисбатан “иштирок эффекти”ни юзага келтиради. Илмий нуқтаи назардан бу ҳодиса тарихий ҳозирги замон элементларини қўллаш сифатида тавсифланади.

Шу билан бирга, индивидуал услуб журналистнинг миллий ва маданий хусусиятлари билан ҳам узвий боғлиқ. Масалан, рус спорт журналистикасида кўпинча драматизм ва ҳиссий бўёқ кучли: “Это был настоящий подвиг!” (Бу ҳақиқий қаҳрамонлик эди!) каби иборалар ишлатилади. Бу услуб “Матч ТВ” эфирларида яққол намоён бўлади. Ўзбек спорт репортажларида эса миллий руҳ ва жамоавийлик ғояси устун: “футболчиларимиз фахр билан майдонга чиқди ва мардонавор кураш олиб борди”, “мухлислар ишонч билан қўллаб-қувватлади” каби иборалар ишлатилади. Бу ҳолат тилнинг маданий-ментал хусусиятлари билан изоҳланади.

Индивидуал услубнинг яна бир хусусияти машҳур иборалар ёки тарихий воқеаларга ишора қилишда намоён бўлади. Масалан, айрим журналистлар машҳур футболчиларни тарихий шахсларга қиёслайди: “He plays like a true general on the field” (У майдонда худди генераллардек ҳаракат қилди). Бу каби қиёслар “The Guardian” репортажларида учрайди. Бу услуб матннинг таъсирчанлигини оширади. Шунингдек, индивидуал услуб журналистнинг юмордан фойдаланишида ҳам намоён бўлади.

Албатта, нутқ яратиш жараёни шахснинг тажрибаси, дунёқараши ва профессионал маҳорати билан узвий боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, спорт журналистининг индивидуал услуги унинг спорт соҳасидаги билим даражаси, кузатувчанлиги ва тезкор фикрлаш қобилияти орқали шаклланади. Масалан, футбол бўйича жонли репортажларда тажрибали журналистлар ўйин

жараёнини фақат тасвирлабгина қолмай, уни таҳлил ҳам қиладилар. Бу ҳолат индивидуал услубнинг таҳлилий жиҳатини кўрсатади ва у юқори профессионал маҳорат белгиси сифатида баҳоланади.

Индивидуал услубнинг муҳим жиҳатларидан яна бири репортажда темп ва ритмни бошқаришдир. Спорт воқеалари тез ўзгариб турадиган динамик жараён бўлгани сабабли журналист матн темпини ҳам шу динамикага мослаштиради. Масалан, гол урилган пайтда репортаж тезлашади, қисқа ва таъсирчан гаплар устун бўлади. Аммо ўйинда пауза бўлганида журналист таҳлилга ўтади ва узунроқ, мураккаб гаплардан фойдаланади.

Шу билан бирга, индивидуал услуб журналистнинг лексик бойлиги ва синонимлардан фойдаланиш маҳоратида ҳам намоён бўлади. Масалан, гол бўлган вазиятни журналист “тўп дарвоза тўридан жой олди”, “ҳисоб очилди”, “ҳужум аниқ зарба билан яқунланди” каби иборалар билан ифодалаш мумкин. “BBC Sport” материалларида бир хил вазиятни турли лексик вариантлар орқали ифодалаш кузатилади, бу эса матндаги бир хилликдан чекинишга ва материалнинг ўқувчи учун қизиқарли бўлишига хизмат қилади.

Индивидуал услубнинг яна бир муҳим кўриниши деталларга эътибор қаратиш даражасидир. Айрим журналистлар ўйиндаги майда деталларни ҳам қайд этадилар: ўйинчининг ҳаракати, мухлислар реакцияси, об-ҳаво шароити ва Ҳ.к.

Замонавий спорт журналистикасида рақамли медиа индивидуал услубга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Онлайн платформаларда журналистлар қисқа, тезкор ва кўпинча оғзаки услубга яқин матнлар яратадилар. Буни сайтлардаги онлайн матнли трансляциялар мисолида кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, спорт репортажларидаги индивидуал услуб журналистнинг касбий маҳоратини белгилайдиган муҳим омил бўлиб, материалнинг мазмундорлиги, таъсирчанлиги ва эса қоларлилигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Виноградов В.В. О языке художественной литературы. М.:1959. 10-б.
2. Bransford J. D., Johnson M. K. Contextual Prerequisites for Understanding: Some Investigations of Comprehension and Recall / Journal of Verbal Learning and Verbal Behavior, 1972. № 11. 717-б.
3. Воробьева О. П. Лингвистические аспекты адресованности художественного текста (Одноязычная и межъязыковая коммуникация). Учебное пособие. 1993. 382-б.